
Фурқатлик 12 нафар ёшларга ўз қизиқишларига кўра меҳнат қуроллари, бир гуруҳ истеъдодли ёшларга қимматбаҳо совғалар хадя этилди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 312-сонли қарорига асосан туман васийлик кенгашининг қарорига кўра 12 нафар ёшларга ўзини-ўзи банд қилишлари учун зарур бўлган меҳнат қуроллари туман "Ёшлар дафтари" жамғармаси томонидан субсидия асосида ажратилди.

Тақдирлаш давомида туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов "Ёшлар дафтари"га киритилган ижтимоий ҳимояга мухтож 12 нафар ёшларга меҳнат қуролларини тантанали равишда топширди.

Жумладан, 1 нафар ёшга ноутбук, 1 нафарига минипеч, 1 нафарига пояфзал тикув машинаси, 5 нафар ёшга тикув машинаси, 2 нафарига универсал ўт майдалагич, 2 нафар ёшга мотоблок ажратилди.

Ушбу тадбирда Фурқат тумани ёшлари телеграм каналида бўлиб ўтган "Энг яхши ижодкор" кўрик танлови ғолиблари ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

1-ўрин Абдусаломов Шохжаҳон (Томоша МФЙ) - гитара ва китоблар тўплами

2-ўрин Турғунов Ислонбек (Болтакўл МФЙ) - смартсоат ва китоблар тўплами

3-ўрин Фуломов Сардорбек (Калдушон МФЙ)- қўлсоат ва китоблар тўплами

Қолаверса ушбу танловда фаоллик кўрсатган Собиров Оғабек (Қушчи МФЙ), Муҳаммаджонов Баркамолжон (Қўқонбой МФЙ)ларга қўлсоатлари ва китоблар тўплами топширилди.

2023-11-10 18:30:12